



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 18 февраль, № 37 (8099)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БОЖХОНА ТИЗИМИНИ КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ҚИЛИШ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА

Президент Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўлинма. Бу тизим тўғри ва очиқ-ошкора ишласа, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади.

Шу боис 2019 йилда божхона маъмуриятчилиги ислоҳ қилиниб, тартиб-таомиллар энгиллаштирилган эди. Жумладан, божхона постларида соддашлатирилган йўлақлар жорий этилди. Бугун йўловчиларнинг 95 фоиз ва юкларнинг 75 фоизи шулар орқали ўтмоқда. Илгари 12 та идорадан олинган 60 турдаги рухсатномалар “ягона дарча” орқали электрон шаклга ўтказилди. Буларнинг натижасида божхонада юкларни расмийлаштириш вақти 10 баробаргача қискарди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга, хорижий туристлар сонини 7 миллионга етказиш мақсади белгиланган. Бу божхона соҳасига алоҳида масъулият юклайди.

Шу боис йиғилишда божхона тизимини ривожлантириш, биринчи навбатда постлардаги шароитларни яхшилаш масалаларига эътибор қaratилди. — Божхона постлари давлатимиз юзи, биринчи таассурот шу ердан бошланади. Улар обод, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Чегара-божхона постларида инфратузилмани яхшилаш, атрофини ободонлаштириш, айрим постлар биносини реконструкция қилиш, постларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари божхона тизимини коррупциядан холи қилиш энг устувор вазифа эканини, бу соҳа бошқа давлат идораларига намуна бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун замонавий комплаенс-назорат тизими жорий этилади. Жорий йил 1 майдан бошлаб юк декларациясини расмийлаштириш постлардан чиқарилади ва тадбиркор билан бевосита мулоқотсиз, масофавий амалга оширилади. 1 июлдан товарлар коди ва қийматини белгилаш, божхона кўригини ўтказиш, имтиёзли декларация расмийлаштиришда коррупцион хавфлар автотоматлашган тизим орқали аниқланади. 1 сентябрдан бошлаб барча электрон божхона хизматлари “ягона дарча” тизими орқали кўрсатилади. Йил якумига қадар божхона кўриги жараёнларини тўлиқ қамраб олган электрон тизим ишга туширилади.

Давлат божхона қўмитаси, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига божхона хизматларини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси кўйилди.

Шунингдек, ходимларни очик танлов асосида ишга олиш, ротация қилиш, даромади ва молмулкни декларациялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Коррупциянинг олдини олиш учун ходимларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор зарур. Шу боис энди божхона ходимларининг фаолияти самарасига қараб, иш ҳақига қўшимча устама тўланади. Олис ва шароити оғир постларда ишлайётганлар ҳам моддий қўллаб-қувватланади.

Божхона ходими контрабанда ёки бошқа қонунбузарликни аниқласа, унга мукофот берилди. Махсус унвон учун устамалар миқдори оширилди.

Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, олис постларда ишлайдиган ходимлар учун хизмат уйлари барпо этилади ҳамда имтиёзли ипотека кредити берилди. Божхона ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун олий ўқув юртлирига киришда алоҳида квота ажратилди.

Президентимиз соҳага аёл ходимларни жалб қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда контрабандага қарши курашиш натижалари ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 364 килограмм гиёҳвандлик воситалари, 88 минг донна психотроп дорилар ҳамда 181 миллиард сўмлик товарлар ноқонуний кириб келишининг олди олинди.

Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш учун божхона постларини 3D-сканер, рентген, видеокузатув, сервер, транспорт тарозиси каби замонавий ускуналар билан жиҳозлаш вазифаси кўйилди.

Бу йил Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Термиз халқаро аэропортларида, келгуси йилдан бошлаб аэропортларда ҳам “божхоначисиз назорат” тартибини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Божхона тизимини кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун Божхона институтини тубдан трансформация қилиб, хорижий тиллар, аxbорот технологиялари, метрология ва стандартлар, назорат ускуналарини бошқаришни пухта ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Жаҳон божхона ташкилотини билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш, илгор хорижий амалиётларни ўрганиб, татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ ИЖТимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ Қўллаб-қувватлашнинг Қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлайётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб бўлаб ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотларни, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотларни, 4. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Тиббий-ижтимоий хизматларини ривожлантириш агентлиги (А.К.Инаков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда 2022 йилнинг октябрь ойидан бошлаб 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарилган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақаларни ҳамда парваришлан нафақасини фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда “проекти шакл” да тайинлаш тизимини жорий этсин.

5. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов): ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг қўшимча даромадлари ҳамда жамғармага республика бюджетидан ажратилиши ҳақида тўлиган трансфертлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

6. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга маъсум ва шахсий жавобгар этиб Молия вазирлиги Т.А. Ишметов ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 17 февраль



Маданий меросимиз — Бебаҳо бойлик

Биз бу хазинага қандай муносабатда бўляпмиз ва улардан қандай фойдаланяпмиз?

Конун кучга кирди

Ўзбекистон маданий мерос объекти кўлиги ва ўзига хослиги бўйича дунёдаги энг етакчи давлатлардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо биз бу устунлиқдан қандай фойдаланяпмиз? Ана шу бойлиқни асраб-авайлашни ўринлата оляпмизми? Афсуски, бу борада маданий ҳали эрта. Аввало, маданий мерос намуналари тўлиқ рўйхатга

олинмаган. Камига, ушбу бебаҳо бойлиқнинг кадр-қийматини тушуниб етмаганимиз боис жойларда уларни бузиш, йўқотиш ҳолатлари ханузгача давом этиб келмоқда.

Кун кеча Президентимиз томонидан имзоланган “Моддий маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш қўйиқлирини муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун шу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Маданий мерос агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Турсунали ҚўЗИЕВ билан суҳбатимиз ушбу долзарб мавзуга бағишланди.



Сенатор ва ҳаёт

Маҳаллий кенгашлар фаолиятини кучайтириш учун диққатни нималарга қаратиш зарур?

Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан ҳудудларда ўтказилаётган тадбирларда парламент юқори палатаси йиғирма унчани ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ҳамда қўрилган бошқа масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг таҳлил қилинмоқда.

Жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ўрганилаётди. Қолаверса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш юзасидан қандай чоралар қўрилаётгани, умуман, кенг қамровли ислохотлар жараёнида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида батафсил сўз юритилмоқда.

Хусусан, Олмазор туманида Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров иштирокида

ўтказилган йиғилишда туман Кенгаши депутатлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилот ва муассасалар масъуллари, фаоллар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда Сенатнинг йиғирма унчани ялпи мажлисида қўриб чиқилган масалалар, хусусан, “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунирилди.



ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Инсон қадрини улуғлаш Ўзбекистон сиёсатининг пировард мақсади бўлиб, ўтган йилларда бу борада салмоқли натижаларни қўлга киритдик. Энг муҳими, бу йўналишдаги ишлар йилдан-йилга изчиллик касб этиб бормоқда. Буни Тараққиёт стратегиясида белгиланган ҳамда жорий Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида бажарилиши мўлжалланган долзарб вазифалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мушоҳида

Айтиш жоизки, инсон қадрини улуғлаш унинг соғлом эътиёжларини қондириш орқали амалга оширилади. Инсон яшashi, муносиб ҳаёт кечирishi учун қўп нарсаларга муҳтож. Уларнинг барчасини у ёлғиз ўзи ёки оила аъзолари ёрдамида ярата олмайдди. У керакли буюмлар, нарсаларни жамиятдан олади.

Ўзи ҳам нимандир жамиятга беради, эвазига бошқа зарур нарсаларга эга бўлади. Инсоннинг жамиятга муҳтожлигини ва айни юқорида келтирилган фикрни улуг бoм-бoмиз Фoрoбий oлгa сургaн эди.



тақсимоти, рағбати, ижтимоий муносабатлар, ўзаро мажбуриятлар ва масъуллиқ қанчалик адолатли ташкил этилган? Ушбу саволга жавоб нафақат инсон кадр-қиймати таъминланшининг мезонини акс эттиради, шунингдек, жамиятда қай даражада адолат қарор топганини, инсонпарварликка амал қилинишини, тинч-оқойишталигини ёки ҳар хил низодин холи эмаслигини ҳам кўрсатади. Инсон қадрига мос келадиган барча саъй-харақатлар, давлат сиёсати, ижтимоий муносабатлар тизими, уларни асослайдиган таълимотлар, қарашлар гуманизм дейилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2022 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК Кўриш ВА УНИ ўТКАЗИШ Тўғрисида

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва бундан қўтилаётган натижаларини оммавий аxbорот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликларини рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга маъсум ва шахсий жавобгар этиб Молия вазирлиги Т.А. Ишметов ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Миллатлар Ташкилоти тарафидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг ана шундай беқийёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш тўла намоён қилиб келаётган Наврўзи олам энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири ҳисобланади.

Ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, ҳайру саховат, бунёдкорлик, баргиреклик, дўстлик ва ҳамжихатлик сингари юксак ғоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз қатори Наврўзи умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий танч бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқи ва манфаатлари, кадр-қийматини тобора чуқур англаб бoлиқлиги, вилоятлар, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайилари шаклида кенг нишонланмоқда.

Халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келатган, Бирлашган

(Давоми 2-бетда).

БМТ қўмитаси 81-сессиясида Ўзбекистоннинг Олтинчи даврий ҳисоботи кўриб чиқилди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш бўйича қўмитасининг 81-сессияси 2022 йил 7 февралда гибрид шаклида бошланди ва 25 февралгача давом этади.

Биз ва дунё

Сессияда 15-16 февраль кунлари Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди.

БМТ қўмитаси сессиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси онлайн иштирок этди. Сессия ишида, шунингдек, Ўзбекистондаги бир қатор фуқаролик жамияти институтларининг фаоллари масофадан қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Конвенция қондаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган Олтинчи даврий ҳисобот 2016 йилдан хозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган. Ушбу маърузани тайёрлашда 30 дан ортиқ давлат органлари ва 20 дан зиёд фуқаролик жамияти институтлари иштирок этган.

Олтинчи даврий ҳисоботда Конвенция қондаларининг моддама-модда амалга оширилиши, Ўзбекистон қонунчилигида мазкур йўналишда киритилган сўнгги ўзгартишлар, хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Хусусан:

- хотин-қизларни камситмаслик соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши;
- Ўзбекистон ҳукумати томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини кучайтириш;
- эркаклар ва аёллар ўртасида амалда тенгликни ўрнатишни жадаллаштириш;
- хотин-қизларга нисбатан жамиятдаги нотўғри қарашларга барҳам бериш;
- хотин-қизлар савдосининг барча шакли ва хотин-қизлардан фоҳиша сифатида фойдаланишга чек қўйиш;

— никоҳга оид масалалар ва оилавий муносабатларда, сиёсий фаолият ва жамият ҳаётида, таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий, халқаро ҳамкорлик соҳаларида хотин-қизларни камситишга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2022 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўзифодасини топишини акс эттирадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва он-ғида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва аъённаларига ҳаммадан тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларига яшаётганлар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш; мамлакатимизда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир қўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга

оид урф-одатлари, аънава ва қадриятларини кенг намоиш этиш;

байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобакалар ўтказиш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аъённаларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

4. Маданият вазирилик (О.А.Назарбеков): Республика Маънавият ва ырифат маркази (М.М.Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, бастакорлар, балетмейстерлар, сахна расмсомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори баъдий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳржимликлари:

а) бир ҳафта мuddатда қуйидагиларини назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда сахналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, баъдий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати усталари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профес-

сионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган оқчи ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда маҳалла мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар карантин қоидалари ва жамоат ҳавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 17 февраль

БМТ қўмитаси 81-сессиясида Ўзбекистоннинг Олтинчи даврий ҳисоботи кўриб чиқилди

БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмитасининг 81-сессиясида Гапон, Панама, Сенегал, Уганда, Доминикана Республикаси ва Ливан давлатларининг бу борадаги даврий маърузалари ҳам муҳокама қилинади.

Маълумот учун айтиш жоизки, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон ушбу Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган.

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича

қўмита — БМТнинг шартномавий органи. У Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидалари баъжарилишини мониторинг қилиш билан шуғулланади. Бугунги кунда 18 нафар мустақил эксперт мазкур қўмитанинг аъзоси ҳисобланади.

БМТ қўмитаси сессиясидан мақсад Конвенция қоидалари баъжарилишини таъминлаш борасида эришилган натижаларни муҳокама қилишдир.

Сессия якунида даврий ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари юзасидан тегишли давлатларга тақлиф ва тавсиялар тақдим этилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Буюк Британия: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Шу кунларда Буюк Британиянинг “Global Partners Governance Foundation” нодавлат ташкилоти вакиллари мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ҳамкорлик

Кеча парламент кўйи палатасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов Буюк Британия Лордлар палатаси аъзоси А. Сатти ҳамда Глобал шериклар буюқаруви жағмармаси вакиллари З. Икбал ва Э. Уолкерлар билан учрашди.

А. Саидов меҳмонларни самимий қўлаб, мамлакат парламенти кўйи палатасининг асосий фаолият йўналишлари, хусусан, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари қўмитаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари рия этилиши бўйича Парламент комиссияси фаолияти ҳақида маълумот берди.

Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси А. Сатти самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон ва Буюк Британия муносабатларини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эгаллигини, икки давлат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.

“Глобал Партнерс Говернанс Фундацион” (GPGF) нодавлат ташкилоти ривожлантириш мақсадларида парламентаризм ва давлат бошқарувини ривожлантириш бўйича дастурларни амалга оширишга иштироклаштирилган Буюк Британиянинг энг илгор структураларидан бири ҳисобланади.

GPGF ўзини ижтимоий фонд сифатида таништиради ва жаҳон мамлакатларида сиёсий институтларни мустаҳкамлаш ва кўмаклашиш учун фаолият олиб боради. Яъни икки йўналишда, биринчидан, GPGF ҳодимлари ва ҳамкорлари бевосита давлатларнинг сиёсатчилари, парламентлари ва вазириликлари билан ишлади, уларнинг самарасини ошириш учун маслаҳат ёрдамини кўрсатади. Иккинчидан, GPGF таҳлилий маърузаларни тайёрлайди,

халқаро донорлар учун тавсияларни баҳариб беради ва улар ёрдам кўрсатмоқчи мамлакатларда давлат бошқарувини яхшилаш бўйича маслаҳатлар беради.

Учрашувда қайд этилганидек, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари рия этилиши бўйича Парламент комиссияси билан ишлашнинг бир қисми сифатида парламент сўровларини олиб бориш учун илгор тажриба моделининг лойиҳаларини тақлиф этди.

Худди шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Буюк Британиянинг “Global Partners Governance Foundation” нодавлат ташкилоти вакиллари билан учрашди.

Дўстона ва самимий кенгаш учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтиришда парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотлар сўнгиде билдирилган тақлиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, келгусида ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН ДИҚҚАТНИ НИМАЛАРГА ҚАРАТИШ ЗАРУР?

Яъни унга кўра, жорий йилда хизматлар соҳасини изчил ривожлантириш орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳар бир туман ва шаҳар қесимида (Тошкент шаҳридан ташқари) 73 миңг 730 та янги хизмат кўрсатиш объектини очиш ва пировардида 937 миңдан зиёд иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Зомин тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати аъзолари Нурсултана Пардаев ва Рисқул Сиддиқов халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар раислари, Кенгаши котибияти мудири, фаоллар ва оқсоқоллар билан учрашув ўтказди.

Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти атрофида тушунтирилди.

Шу билан бирга, охириги йилларда халқ манфаатини ифода этувчи орган сифатида шаклланган маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг назорат бўйича ваколатларини кенгайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтилди. Бу эса маҳаллий Кенгашлардан катта масъулият, тажриба ва ташаббус талаб этади. Шу босис маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил қилиш, уларни методик қўллаб-қувватлаш, депутатлар амалий кўникма ва малакаларини ошириб боришга қаратилган чоралар кўрилумоқда.

Тадбирда Тараққиёт стратегиясининг маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир банд-

лари, 2021 йил якунлари бўйича хулосалар ва жорий йилдаги устувор вазифалар, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида маҳаллий Кенгашлар томонидан амалга оширилаётган назорат тадбирлари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Яқунда сенаторлар “Оила — маҳалла — халқ депутатлари Кенгаши — парламент” тамойилини амалиётга таътибқ этиш юзасидан тақлифларини билдирди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар тегишли қўмитаси раиси Эркин Гадовев тасғили идоралар мутасаддилари билан биргаликда Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган ушбу мономарказ ишсиз фуқаролар бандлигини уларга хунар ўргатиш орқали таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда марказда нафақат Навоий шаҳри, балки Кармана, Навбахор, Хатирчи ва Нурота туманлари ёшлари ҳам хунар эгалламоқда.

Сенатор “Ешлар дафтари”, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”даги ҳам таъминланган аҳоли қатлами касб-хунарга ўқитиб, улар меҳнат бозориде рақобатбар-

дош касбни ўзлаштириши, юқори малакали мутахассис сифатида етишиши мўҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Сенатнинг Муддофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қўтбиддин Бурхонов Нурафшон шаҳрида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Жумладан, 2021 йилда шаҳардаги Ойбек маҳалласида 15 миңг туп павловния кўчати экилган майдон кўздан кеңирилди. Ушбу майдон 4 гектарни ташкил этиб, ташландиқ ҳудуд кўчат экиш орқали кўкаламзорлаштирилган. Нега айнан павловния дарахти, деган саволга мутасаддилар, бу ўсимлик ҳудуд иқлимига мос келиб, кам сув талаб қилиши билан аҳамиятли эканлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, сенатор 2021 йилнинг ноябрь ойида ташландиқ бўлган, ҳозирда 200 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчталари экилган Дегантепа маҳалласидаги майдон ва мазкур фуқаролар йиғинининг Қорақўйли кўчасида олиб борилган ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Шу ернинг ўзиде худуд аҳолиси билан учрашув ўтказилди.

Сўхбат давомида маҳалла нуронийлари давлат раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида оддий одамлар ҳаётига дахлдор масалалардан тортиб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моллик масалаларгаче ечим топилаётгани, халқ билан очиқ мулоқот эса давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари тубдан такомиллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзолари Ф. Раза бошчилигидаги Буюк Британиянинг “Islamic finance advisory and assurance services” (IFAAS) халқаро консалтинг фирмаси вакиллари билан учрашди.

Мулоқот

Унда Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзолари Д. Аҳмедов, Э. Асланова, Ж. Абдурасулов, Р. Жумамуратов ва Ж. Эргашев иштирок этди.

Сўхбат аввалда меҳмон ўзи раҳбарлигидаги халқаро консалтинг фирманинг фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтди.

Хусусан, ушбу фирма ислом молияси соҳасида 15 йилдан буён фаолият юритаётгани, шу давр мобайнида 50 мамлакатда, жумладан, 30 та давлатнинг ҳукумати учун турли лойиҳаларни амалга оширишда хуқуқий маслаҳат хизматларини кўрсатгани таъкидланди.

Ташкилот ўз фаолияти доирасида Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон, Покистон ва Қирғизистон давлатларининг маҳаллий банк тизимини такомиллаштириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширган.

Қайд этилганидек, делегация Ўзбекистонда таширфи доирасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилик, Молия вазирилик ҳамда Марказий банк вакиллари билан учрашувлар ўтказган.

Уз навбатида, Қонунчилик палатаси депутатлари миллий қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан, қўнун ижодкорлиги соҳасида хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳам ўрганилиши, уларнинг маҳаллий шароитига мослиги, мамлакатнинг ички

ва ташқи иқтисодиётини ривожлантиришга нечоғли ҳисса қўлиши каби омиллар ҳисобга олинишини таъкидлаган ҳолда меҳмонларнинг улар фаолият юритаётган фирма хизматларининг методологияси тўғрисида қисқача маълумот тақдим этишни сўради.

Делегация вакили Нажиб Ал Асвад халқаро консалтинг фирмаси ўз хизматларини кўрсатишда давлат Конституцияси, миллий қонунчиликда мазкур соҳага оид норматив-ҳуқуқий, жумладан, молия, банк, солиқ соҳаларига оид қўнун ва қонунчилик ҳужжатлари ўрганилиши ҳамда хорижий тажрибага таянган ҳолда мамлакат учун янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатлардан келиб чиқиб, алоҳида ёндашув асосида тақлиф ишлаб чиқилишини маълум қилди.

Сўхбат чоғида IFAAS, унга кўмаклашувчи “Centil” юридик фирмаси вакиллари мазкур йўналишда тегишли маълумотларга эга бўлиш учун тегишли вазирилик ва идоралар, жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тақдиротлари институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент давлат иқтисодий университетини ва бошқа ваколатли ташкилотларга мурожаат қилиши тавсия этилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколати доирасида кўмаклашиши юзасидан лойиҳани амалга ошириш давомида ишчи тартибда тегишли маълумотлар алмашиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

АГРАР СОҲАДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНМОҚДА?

Тошкент давлат аграр университетиде Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси ҳамда Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида сўнги йилларда қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришлар” мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Давра сўхбати

Парламент кўйи палатаси депутатлари, тегишли соҳа вакиллари, университетнинг профессор ўқитувчилари, талабалар ҳамда ОАВ ҳодимлари иштирок этган тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган натижалар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда Президентимиз бошчилигида мамлакатимиз иқтисодиётининг

Тадбирда Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган, биргина 2021 йилда қўмита қўнун ижодкорлиги фаолияти йўналишида ўнта қўнун лойиҳаси учун масъул бўлгани қайд этилди.

Ўтган йилда республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан кўп мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 23 миңг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сўт маҳсулотлари, 8,3 миллиард дон ахуум, 400 миңг тонна балик етиштирилгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама

қилинаётган “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоқлиқни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун лойиҳаси ҳам соҳа ривожига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қўнун лойиҳасининг қабул қилиниши билан барча қўнун ҳужжатларидаги ерга оид нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг янголаниши таъминланади. Ер участкаларини ажратишда шаффоқлик устувор бўлиб, алоҳида ҳужжатларда белгиланган имтиёз ва истиснолар беқор қилинади.

Тадбирда, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам аграр соҳани янада ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилгани айтиб ўтилди. Хусусан, стратегиянинг жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида илм-фан ва инновациялар, қишлоқ ҳўжалиги бозор механизмларини жорий этиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини 2 баравар қўпайтириб, аграр тармоқда йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Тадбир сўнгиде иштирокчиларни қизиқтирган саволларга Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Халқ билан мулоқот бугунги кунда давлат ташкилотларининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Айниқса, аҳолини қўйнаётган масалаларга ечим топиш ва муаммоларини вақтида ҳал этишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Буни Олий Мажлис Сенатининг кейинги йиллардаги фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Айтиш жоизки, парламент юқори палатасида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимининг аниқ механизми йўлга қўйилган. Сенат аъзолари халқ билан бевосита мулоқот қилиш орқали худудлардаги реал ҳолат билан танишмоқда, муаммо ва камчиликларни ҳал этиш чораларини кўришяпти.

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги бир гуруҳ фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳнинг кеча бўлиб ўтган йиғилишида бу алоҳида қайд этилди.

Маълумки, Сенатга Олот туманида яшовчи фуқаролардан мурожаат бўлган эди. Унга кўра, 1960 — 1980 йилларда тегишли идоралар томонидан тасдиқланган лойиҳалар асосида сув ҳўжалиги, сув ҳўжалиги қурилиши ташкилотлари, “Аму-Бухоро” канал бошқармалари муҳандис-техник ҳодимлари яшashi учун 600 квадрат метр майдондаги уй-жой коттежлари ажратилган. 1991 йилда эса ушбу уйлар хусусийлаштириб берилган. Аммо 2019 йилда солиқ қонунчилигига ўзгаришлар киритилиб, уй-жой сатҳидан ортиқча ер майдонидан солиқ ставкасининг уч баробари миқдориде солиқ ундириш бошланади.

Шундай қилиб, мазкур уйлар эгалари ўзларига тегишли бўлган ўртача 600 квадрат метрдан иборат ер участкаларининг кадастр ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва иш асосида ер солигини тўлаб бориш имкониятини яратишда кўмак сўраган.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан вазиятни ўрганиш мақсадида 8 кишидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Унинг таркибига Вазирилар Маҳкамаси, Адлия вазирилик ва Кадастр агентлигининг мутахассислари ҳам киритилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Инсон қобилияти, истеъдоди, умуман, ҳар қандай ижобий салоҳиятини ўстириш, юзага чиқариш имконига эга бўлиши лозим. У эзилиб яшамаслиги, аксинча, ҳаёт қанчалик оғир, мураккаб бўлмасин, қийинчиликларни ақли-шуури, меҳнатсеварлиги ёрдамида енгиб, қилган ишидан, натижаларидан завқ-шавқ, лаззат туйиши лозим. Шунда у ҳаётдан рози бўлади.

Инсон қадрини насия бўлмайди. Ҳаётнинг фаровонлиги, порлоқ келажак йўлида сен бугун фидойилик қил, соғлигингни ўйла, қаҳрамонлик кўрсат, деган чақиқлар ўтмиш тузумда неча авлод ота-боболаримизни қалғитди. Эвазига улар нимага эришди? Уч-тўрт хил нишонлар бир парча боғдан эрлик... Аммо саломатлигини-чи, нега ўртача умр кўриш Ўзбекистонда орта эди? Боиси халқимиз турмуш даражаси етарлича юксалмасдан қолганди. Шу сабабли давлатимиз раҳбарининг "Одамлар бугун яхши яшашни истади, эртага эмас" сўзлари халқ қалбига акс садо берди.

Инсон қадрини тафаккур эркинчилигини ҳам билдиради. Масалан, демократик давлат ўз имконияти доирасида ҳар бир фуқароси учун ҳуқуқий тенглик ва эркин ривожланиш шарт-шароитларини яратди. Аммо билими, дунёқараши тор, мустақил фикр етишмайдиган киши турли радикал қараш ва хурофий фикрлар исканжарига тушиб қолиши мумкин. У нияти бузуқ куч ва гуруҳларнинг гаразли ёки хато топшириқларини ҳам кўр-кўрона бажарувчи қуролга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Нафс ҳамда хирс домига тушган киши-чи? Нафс ва хирс бандаси ўзи ва ўзгаларнинг қадрини тўғри идорқ қилмайди. Ҳар хил нарсаларга қарамлик, жумладан, ичкиликбозлик, қиморбозлик ёки компьютер ва электрон йўнларга қарамлик ҳам нафс ва хирс хуружининг инсон устидан галабасидир.

Ойдинлашмоқдаки, инсон қадрини тушунчани мазмунан жуда мураккаб, шаклан ниҳоятда ранг-баранг. Бинобарин, инсон қадрини улуғлаш, аввало, инсоннинг ўзини, сўнг жамият ва давлатдан катта куч-ғайратни, эзгу ният ҳамда амалларни талаб қилади.

Ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлаш ва инсонни воситадан мақсадга ай-

лантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида илгари сурилди.

Стратегиянинг биринчи йўналиши "Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш" деб номлангани ҳам беҳиз эмас. Унинг биринчи мақсади маҳалла институтини фаолияти самарадорлигини оширишни, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантиришни кўзлайтиди. Шу интилиш доирасида "Маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевоқиф маҳаллада кўрсатиш" вазифаси белгиланган бўлиб, бу замонавий ахборот асри, постмодерн жамиятда инсон қадрини улуғлаш борасидаги давлат сиёсати-

йўлидан бораётганига амин бўлади.

Шу ўринда стратегиянинг иккинчи йўналиши "Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш", тўртинчи йўналиши эса "Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш" деб номланганини келтириш мумкин. Бу йўналишлар инсон қадрини улуғлашни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий асосларини мустаҳкамлайди ва аниқ тадбирларни амалга оширади.

Олғас сурилган ҳар қандай ғоя, айниқса, давлат сиёсатининг марказига қўйilib, мақсадига айланган ғоя моддий-иқтисодий, мафқуравий жиҳатдан таъминланиши зарур. Бундан ташқари, эзгу режалар рўйиби тинчлик-осойишталик, ички ва ташқи хавф-хатардан холи бўлиш кафолатини талаб қилади. Ғояни амалга оширишнинг моддий базаси яратилмаса,

мият томонидан яратилган шарт-шароит ва ҳуқуқий кафолатлар. Яъни бир томондан, инсон соғлом эҳтиёллари қондирилиши ва муносиб моддий-иқтисодий ва хавфсиз, эркин турмуш кечиришининг таъминланиши. Боз устига, йилдан-йилга уларнинг ўсиб бориши ва ҳаёт сифатининг яхшиланиши. Гап бу ерда истеъмол миқдорининг ошиши устида эмас, балки ҳаёт сифати, инсон маънавий-маданий юксалиши, осойишталик, ижтимоий-ахлоқий ва ҳуқуқий муҳит яхшиланиши устида кетмоқда. Технолологиялар ривожланиши, меҳнат унумдорлиги жараёнида иш соатларини янада қисқартириш лозим. Баъзи ривожланган мамлакатларда, ҳатто ҳафта-сига ҳозирги 5 кунлик иш вақтидан 4 кунликка ўтиш масалалари кўтарилмоқда.

Инсоннинг бўш вақти деганда, ишдан ташқари ёки бекорчи вақт эмас, балки инсон ўзи устида мустақил ишлайдиган, китоб ўқийдиган, театр, кинога борадиган, ижод, хаваскорлик, яратувчилик, спорт билан машғул бўладиган вақт назарда тутилди. Чойхонада ўтириб, улфатчилик қилишга, қарта ўйнашга сарфланган вақт бўш вақт ҳисобланмайди. Шу билан биз инсон қадрини намойён бўлишининг иккинчи муҳим жиҳатига етиб келдик. Бу инсон ички эркинлиги, ўз эҳтиёлларини, кадр-қимматини тўғри тушуниши, ўз олдига позитив (ижобий) мақсад қўйиб, қимликка интилишидир. Жамият қанчалик шарт-шароит яратмасин, ўз олдига янги марраларга эришиш, турмушини яхшилаш, бола-чакасига замонавий таълим-тарбия бериш ва шу каби мақсадларга интилмаган киши ҳақда обрў-эътибор, қадр томонламайди.

Позитив мақсадга интилиш, бор қучини, ғайратини, иродасини унга эришишга йўналтириш, қийинчиликдан чўчимаклик, ютуқлардан эсанкираб қолмаслик тизимли ва узоқ мuddатли таълим-тарбия орқали шаклланади.

Бу борада адабиёт ва санъат кўмагига эҳтиёж туғилади. Инсон қалбига эзгулик ва гўзаллик ушбу воситалар орқали қилиб келади. Раҳм-шафқат, қўнғилчанлик, ҳамдардлик, бошқа кўпбаланд инсоний фазилатлар, тубанликдан, ёвузликдан нафратланиш, мардлиқ ва олижанобликка интилиши инсонда адабиёт ва санъат тарбияланади. Ўзликни англашда, гурур, ор-номуш ҳамда фидойиликни тарбиялашда уларнинг ўрни беқисс.

Тарбия-таълим шундай мақсадни

Тарбия-таълим шундай мақсадни кўзлаши керакки, ҳар бир киши мумкин қадар ниятини, амалий ишларини, ўзи учун аҳамиятли, бошқаларга зарар етказмайдиган, жамиятга маъқул натижаларга қаратсин. Инсон, аввало, ўз бола-чақасининг, оиласининг эртанги кунини олдида жавобгарликни сезсин. Лекин шахсий манфаатларини жамоа манфаатларига қарши қўймасин.

нинг инновацион тақомиллашувини амалга ошириш мақсади "Давлат бошқаруви органлари фаолиятини фуқарога хизмат қилишга йўналтириш" тамойили асосида трансформация (тубдан ўзгариштириш) қилишни назарда tutади. Унда вазирлик ва идоралар фаолияти барча йўналишларини "Давлат — халқ хизматчиси" тамойили асосида фуқарога хизмат қилишга йўналтириш" вазифасига ургу берилган. Олтинчи мақсадда давлат бошқарувини номарказлаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очикилигини таъминлаш белгиланган.

Тараққиёт стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича белгиланган "Йўл харитаси" билан танишган ҳар бир киши янги Ўзбекистон халқчил давлат қуриш

у қуруқ ва баландпарвоз сўз ҳамда пуч-ният бўлиб қолади ва обрўсизланади.

Лекин моддий-иқтисодий базанинг ўзи ҳам етарли эмас. Ғояни халқнинг кенг қатлами қабул қилмаса, унга бефарқ бўлса, қутулган натижага эришиш имконсиз. Шу сабабли стратегияда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш, умумбашарий (глобал) муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиқиб ечим топиш, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, оқиқ ва прагматик фаол ташқи сиёсат олиб бориш масалалари ҳам алоҳида йўналишлар сифатида келтирилган.

Инсон қадрини намойён бўлишининг икки жиҳати бор. Биринчиси — давлат ва жа-

Тақдирот

Давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси ва учинчи Ренессанс асосини яратиш борасидаги ташаббуси бугун реализмга кўча бошлади. Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш даврига асос бўлувчи жараён кечмоқда.

Шу боис янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс сўзлари ҳаётимизга ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантираётир.



Буюк ўзгаришлар ҳақида китоб

Иқтисодий фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, сенатор Муртазо Раҳматов ва академик, биология фанлари доктори, профессор Бақридин Зарипов ҳаммуаллифлигидаги "Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс остонасида" номли янги асар жонажон Ватанимизда юз бераётган буюк ўзгариш ва янгиликлар ҳақида эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Кеча университетимизда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ушбу китобнинг тақдироти ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мазкур асар китобхонларда мамлакатимизда янги ўсиш ва ривожланиш босқичига қўйрилиш бора-бора белгиланаётган янги Ўзбекистоннинг стратегик йўли ҳақида тўлиқ ва мукамал тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

— Минтақамиздаги биринчи Ренессанс алломуларидан бири Форобий фозил жамиятини шундай тасвирлаган эди. "Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришидир. Бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади". Бугун юртимизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, илм-маърифат соҳасидаги улкан ўзгаришларнинг таҳлил этганимизда, ҳар гал улғулломошимиз шу сўзларни ёдимишга келаверади, — деди Муртазо Раҳматов. — Чунки Ўзбекистонда тарихан жуда қисқа фурсатда бутунлай янги-на сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит

яратилди. Бу мамлакат обрў-эътибори ва нуфузини оширишга хизмат қилаётган эришилари асос бўлаётир.

Ушбу рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган бўлиб, барча таълим муассасалари, хусусан, олий ўқув юртлари, ташкилот ва идоралар, ҳар бир хонадонга кириб бориши мақсадга мувофиқдир. Зотан, қайси замона бўлмасин, буюк эришилари, ўзгариш ҳамда янгиликларда, аввало, халқнинг қудрати, салоҳияти ва кучига таянилади.

Бақридин Зариповнинг фикрича, Ўзбекистон ўтган атиги беш йил ичида бутунлай янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Президентимизнинг учинчи Ренессанс ғояси ниҳоятда ажойибдир. Сабаби, бугунги илму фанга асосланган, дунёни факатгина илм билан бошқариш мумкин бўлган замона шундай ғояларгина қудратли куч касб эта олади.

Китобда кишини мушоҳадага чорлайдиган яна бир жиҳат — бу иқтисодиётнинг тарғиб этилганлигидир. Гапнинг очигини айтганда, биз узоқ йиллар молиявий билимларни халқчил тилда ўқишга муяссар бўлмадик. Иқтисодиёт илмига асосланган китобларда, умуман, иқтисодиёт назариясида халқоналик анчайин йироқ туйғу эди. Эҳтимол, шу боис ҳам халқнинг иқтисодий илми заифроқ ёки пуфак тушунчаларга боғлиқ бўлиб қолди.

Мазкур рисолада давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида мамлакат пахтачилигида жорий этилган кластер устидаги Ўзбекистон иқтисодиётининг драйверига айланаётгани содда ва халқона таразда очиб берилгани му-

аллифларнинг муваффақияти бўлган, десак, айна ҳақиқат.

Тақдиротда Президентимизнинг учинчи Ренессанс асосини яратиш бўйича ғояларни кенг очиб берилган ушбу асар ўқув-режага киритилиб, юртимиз олий таълим муассасалари орасида биринчи бўлиб Тошкент давлат иқтисодиёт университетиде махсус курс сифатида ўқитилиши айтиб ўтилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси билан ҳамкорликда алоҳида марказ очиб савий-харакатлари олиб борилаётгани маълум қилинди. Ушбу янгиликлар талабалар ва ёш олимлар томонидан мамнуният билан қарши олинди.

Самимий руҳда кечган тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга университет битирувчиси, янги асар ҳаммуаллифи Муртазо Раҳматовдан атрафлиқа жаваб олдилар. Истеъдодли ёшларга китоб муаллифлари даст-хати билан китоблар тақдим этилди.

Дарвоқе, ушбу китоб "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда "Zamin press" томонидан нашр этилганда ҳам катта маъно муҳасам. Зеро, мақсад халққа эъё улашиш, аҳолини янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор қилиб боришдан иборатдир.

Азамат МАХМУДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди.

Аччиқ, аммо очик гаплар

НОННИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ УНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

Коронавирус офати жаҳон иқтисодиётига катта зарба бериб, миллиардлар зарар келтирди. Айниқса, дунёнинг озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таъсир ўтказди. Натижада жаҳон бозорларида шафқатсиз рақобат, "савдо урушлари", қарама-қаршилиқлар кучайиб бормоқда.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони икки баробар ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етди. Бир қатор мамлакатларда, хусусан, Сурия, Афғонистон, Ироқ, Ливия, Яман, Судан, Эфиопия, Нигерия каби давлатларда озиқ-овқат, нон етишмовчилиги кузатилмоқда. Оқибатда аҳоли егулик излаб ҳар қандай ишга қўл урмоқда, ёш гўдақлар эса ахлат қутиларини титкилашга мажбур бўлмоқда.

Шуқрки, юртимизда давлатимизнинг гамжўрлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли қорнимиз тўқ, устимиз бут. Тинч-хотиржам, ўзимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам истаган егуликни тановул қиляпмиз. Аммо бундай шартларнинг қадрига етиб, шуқрона айтиш ўрнига исрофгарчиликка ҳам ўтиб кетганимиз ачинарлидир.

Яқинда пойтахтимиз бўйича мингта қичқинди شوҳабчасининг ҳар бирдан қунига ўртача 2-3 килограмдан, умумий ҳисобда 2 тоннага яқин нон қичқинда чиқариб ташланаётгани ҳақидаги маълумотга қўзим тушди. Агар биргина шахримизда шунча микдорда бўлса, мамлакатимиз бўйича бу рақамнинг салмоғи янада ошимиз тайин.

Аслида, қорнимиз бир бурда нонга тўяди. Лекин дастурхонда нон бўлақлари бўлса-да, бирор киши келиб ўтирса, яна янги сони сиңдириш ҳақида тусига кирган. Ҳуллас, есак-емасак, сиңдираверамиз. Овқатланган эса баъзан ортган нонлар ташлаб юборилади. Ресторан, ошона, тўйхоналардан ортган қоп-қоп нон бўлақларини қуриғ, юрагингиз увишди. Чинқинди шохобчаларида ҳам ахлат ва пўчоққа аралаш ташланаётган нон қолдиқларини қўриб таажжубланасиз, "Бунинг уволи тегмасмикин?" дея ўйга толасиз.

Атрофимизга назар ташласак, нафақат ёшлар, балки катталар орасида ҳам нон қадрини унутаётганлар, уни исроф қилаётганларни учратамиз. Афсуски, бундай кишилар бугун кимлардир бир бурда нонга, ҳатто ушқоқ зор эканлигини англамайди. Уларнинг нонни қадрламаётганининг сабаби дастурхонининг тўқинлиги, "Дом шундай ҳаёт кечираман", деган инсоннинг ҳаддан зиёдалигидир. Бу эса тўқликка шўҳликдан бошқа нарса эмас. Бундай кишилар бир бошқоқ бугдой нон бўлгунча қанчалар меҳнату заҳмат кетганини ҳис қилмайди. Майли, нон учун хизмат қилаётганлар меҳ-



кўзлаши керакки, ҳар бир киши мумкин қадар ниятини, амалий ишларини, ўзи учун аҳамиятли, бошқаларга зарар етказмайдиган, жамиятга маъқул натижаларга қаратсин. Инсон, аввало, ўз бола-чақасининг, оиласининг эртанги кунини олдида жавобгарликни сезсин. Лекин шахсий манфаатларини жамоа манфаатларига қарши қўймасин.

Ўзига бефарқ киши бошқаларга ҳам, жамиятга ҳам бефарқ бўлади. Айрим одамлар "Бизга шуниси ҳам етади", "Борига шуқр" қабилидаги гаплар билан ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Биз шуқроналик туйғусига қарши эмасмиз. Шуқроналик худбин манфаатни жамият манфаатларига қарши қўймаемиз, Аллоҳ иродасига бўйсунини билдиради. Аммо юқоридаги мазмунда эса у ҳақиқий шуқроналикни эмас, балки айтаётган кишининг яқовлигини, иродасизлигини, ҳаётини ўзгаришидан чўчишини, маънавий-руҳий бефарқлигини намойён этади. Бефарқлик, лоқайдлик инсоннинг энг хавфли ички душмандир. У кишини тақомиллаштирдан, эзгу ниятлардан, улғувор орзу-хаваслардан тўсади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни мақсад қилганимиз. Шу интилиш ҳар бир ватандашимизнинг эътиқод унсурига, эзгу ниятига, ижтимоий мўлжалига айланса-гина, унинг ахлоқий поклигини, касбий тақомиллашши ва яратувчанлиги ўсишига хизмат қилади, иродасини тоблади. Шундагина янги Ўзбекистоннинг янгича фикрлайдиган фуқароси тарбия топади.

Бунинг учун қатор иллат ва нуқсонлардан қутулишимиз талаб этилади. Бу ўринда гап айримларнинг боқимандалик қилиши, ноқонуний субсидиялар олишига уриниши ҳақида кетмаптаи. Аксинча, ижтимоий мўлжалдан қўпроқ даромад топишга интилиш, молпарастилик, буюмпарастилик, дангилама уй-йўқ қуриш, турли русумдаги смартфон, телевизор, автотомобиллар тўлашга ружу қўйиши ҳақида

кетмоқда. Серҳаражат тўйлар ҳам шулар жумласига қиради.

Яна бир муҳим масала, сўз эркинлиги тушунчаси билан чайқовчилик қилиб, бузғунчи ғояларни тарғиб этиш билан боғлиқ. Цензуранинг бекор қилиниши жамиятда мафқуравий плюрализм ва демократия кўрсаткичи ҳисобланади ва бу тушунарли. Аммо телекўрсатувлар, сериаллар, электрон ОАВдан ҳамда блогерлар биттиқларидан ҳар қандай ахлоқий филтёр олиб ташлангани тушунарсиз. Бу, айниқса, сериаллар ишлаб чиқариш орқали кун қурайдиган ёки ижтимоий тармоқларда, телеграмм каналда ўз аъзолари, обуначилари сонини кўпайтиришга интиладиган кимсаларга қўл келмоқда.

Савол туғилади: сериалларнинг сценарийларини қайси бадиий кенгаш муҳокама қилган? Маъна топанг ижодий гуруҳ ҳаёлига келган нарсани суратга олиб, ТВ орқали тарқатаверадими? Уларнинг бир қисми давлат ажратаётган маблағдан эмасмикин? Жуда галати: давлат ҳисобига одамлар онгини бузишга ҳаражат қилишни қандай баҳолаш керак? Телеканалларнинг ўз низомига мос фаолият юритаётганини лицензия берган давлат ташкилоти назорат қилпатими? Давлат цензурасининг бекор қилиниши, ахборот ва ижод эркинлиги дегани бадиийликдан, эзгулик ва виждондан воз кечиш, жиғилдон манфаатларини ёш авлод тарбиясидан устун қўйиш дегани эмас-ку!

Ахлоқсизликни тарғиб қилаётган сериаллар, жангари фильмлар ва мультфильмлар ҳам авлод тарбияси, ахлоқий ва эстетик қадриятларини учун ўта хавфли. Улар баъзи ёшларда ахлоқий бузуқлик, хиёнат ва фаҳш, қотиллик ҳаётининг ажралмас қисми экан, деган қарашларни ва унга мос хулқ-атворни шакллантиради.

Адабиёт, санъат, уларни тарқатаётган ОАВ, жумладан, ТВ ва интернет инсон қадрини ерга уриш эмас, балки улғулайдиган омилга айланиши керак. Тўғри, замонавий телеэкран эфирини тўлдирши учун турли сериаллар, клиплардан фойдаланишга мажбур. Ишдан, ўқидан ҳўнбоқ қайтган, асаби топиққан кишига қўнғилочар, энгил жанрдаги маҳсулотлар, ҳар хил электрон уйинлар кўпроқ керак. Аммо бу маданий ҳаётни, одамлар телеэкранлар олдида дам олишини, руҳий ва жисмоний тикланишини ҳар хил шўбуҳали "намояндлар" қўлига топшириб қўйиш дегани ҳам эмас.

Умуман, инсон қадрини улуғлаш мамлакатимиз ва унинг беш йилликка мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг қўл мақсади ҳисобланади. Бунинг барчамиз тўғри англаган ҳолда, турли ноғўри қарашларга қалғимасдан ҳаракат қилсак, албатта, бу эзгу ниятларимизга эришамиз.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



натига ҳақ олар, тақдирлар, лекин унинг қадр-қиммати сизу биз билан, яъни нонни исроф қилмасликда намойён бўлади.

Бугунги кунда юртимизда ҳар қадамда нон дўконлари ишлаб турибди. Исталган вақтда, ҳатто тўн ярмида ҳам, новвойхоналарда обинон, патир нон, жиззали нон дейсизми, хоҳлаганимизни саралаб еймиз. Лекин тўқинлик исрофгарчилик дегани эмас. Бир-биридан ўзар тўйлар ва турли маросимларда исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги, нон қадрини ҳис қилмай қўйганимиз, энг ачинарлиси, фарзандларимиз ҳам айнан шу йўлдан кетаётганлиги бугунги кунда жамиятимизнинг оғриқли нуқталаридан бирига айланиб улгурди. Жамиятимиз қанчалик фаровон, дастурхонимиз тўқин бўлган сари, маънавий кашшоқлашиб кетмоқда. Фарзандларимизга нима яхши-ю, нима ёмонлиги, уволу савобонинг фарқини тушунтиришга вақтимиз йўқ. Улар эса ноннинг қадрига етиш, увол қилмаслик ҳақида ўйламай ҳам қўйган.

Узоққа бормайлик, мустақилликнинг илк йилларида нон қадри қанчалар банд бўлгани, одамлар соатлаб, кунлаб нонга, унга навбатда тургани, қишлоқларда аҳолининг бошқоқ тергани чиққанлари ҳали кўз ўнгимизда турибди. Иккинчи жаҳон уруши даврларида ҳам ота-боболаримиз бир бурда нонга қанчалар зор бўлишган. Оталаримиз, оналаримиз бизни ҳозирги фараҳли кунларга етказиш учун оч-наҳор тер тўқиб, меҳнат қилганлар. Бугунги омон-омон тўқинлик замони аждодларимизнинг орзуси эмасмиди?! Уларнинг дуолари, ниятлари амалга ошиб, фаровон ҳаёт кечиряпмиз. Бунга шўқр қилиш ўрнига исрофгарчиликка йўл қўйишимиз қанчалар тўғри иш?!

Зеро, муқаддас динимизда исроф қаттиқ қораланган. Аллоҳ таоло ўз қаломиде: "Енглр, ичинглр, аммо исроф қилманглр. Зеро, У исроф қилгувчиларни севмас", деб айтган (Аъроф сураси 31-оят). Бундан келиб чиқадики, Аллоҳ берган неъматларни исроф қилиш, уларнинг қадрига етмаслик катта гуноҳдир. Шу боис жонимиз соғ, ейишга бир бурда нонимиз борми, шуқрона айттайлик. Чунки бугунги таҳликали замонада дунёда миллионлаб кишилар тинчликнинг, ноннинг нақадар қадри неъмат эканини ўз кўзлари билан, жонлари билан ҳис этишмоқда.

Ҳадиси Қудсийда бу ҳақда шундай дейилади: "Эй Одам фарзанди! Хамиша овқатланишга ўтирганингда қорни оч бечоралар ҳам эсингда бўлсин. Шунда Аллоҳнинг берган неъматларига шуқр қилишинг осонроқ бўлади".

Дарҳақиқат, ҳозир дунёда миллион-миллион одамлар бир бурда нонга зор бўлиб яшайпти. Биз шунини ўйлашимизми? Ёки уйи нон ва бошқа неъматлар билан тўқин оиладаги хаста одам бир тишлам нонни чайнаб юта олмайдми. Бунини-чи, бунини кўз олдимизга келтира оламизми? Худо дастурхонимизни тўқин қилди, неъматларни истеъмол қилишимиз учун саломатлик берди. Бунга шуқр қилиш ўрнига бу неъматларни нима учун исроф қилишимиз керак?!

Ёшганимизда "Нон ушқоғини босиб ўтсанг, кўр бўласан", дея таъкидлашарди. Бу гапларни ота-онамиздан ташқари маҳалладагилар ҳам айтишарди. Кўчада ушқоғи кўрсак, олиб, чангини пуфлаб, кўзга суртиб, четга кўярдиқ. Ҳозир қўллаб хонадонларда дастурхондан бир бўлак нон паства тушиб кетса, олиб ейилмайди, аксинча, пўчоққа ёки ахлат челақка ташланамоқда. Нонга шу зайлда муносабатда бўлсак, Худо кўрсатмасин, эртага афсусланиб қолмайлик. Ахир "Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан", деган ҳикмат беҳиз айтилмаган-ку!

Мамлакатимизда аҳолининг дон ва галла



МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ —

БЕБАХО БОЙЛИК

Биз бу хазинага қандай муносабатда бўляпмиз ва улардан қандай фойдаланяпмиз?

— Мулоҳазаларимизни сурхондарёлик археолог Тўхташ Аннаевнинг доим айтадиган ҳикояси билан бошламоқчиман, — дейди суҳбатдошимиз. — У ўз даврида номзодлик ишини ҳимоя қилиш мақсадида шўро мамлакати пойтахтига боради. Унга опонентлик қилган рус олимларидан бири шундай деган экан: "Сизлар йиллар давомида қазисаларинг ҳам тугатиб бўлмайдиган хазинанинг устида ўтирибсизлар. Аммо уларни асраб-авайлашга келганда, аҳвол ёмон. Масалан, грузин ва арманлар ҳеч қанақа қонун бўлмасаям, маданий меросга зиён етказмайди. Дейлик, халқи, Ватани тарихига оид тош ёки чўп бўлсаюм уни асраб-авайлайди..."

Моддий маданий бойлигимиз хусусида сўз кетганда, тез-тез шу гапларни эслаймиз. Дарҳақиқат, рус олимнинг фикрларида жон бор. Шунча меросимиз бўлгани ҳолда, биз бу бойлиқнинг қадрига етмаяпмиз. Бунинг етарлича сабаблари бўлиб, булар хусусида маврид билан кенгроқ тўхталамиз. Айтиш мумкин, бу маданий меросимиз илдизлари, келиб чиқиши, салмоғи, аҳамияти ва уларнинг бугунги кундаги ҳолати тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон заминидан одамзод палеолит ва неолит даврларидан бошлаб тирикчилик қилиб келмоқда. Бунга ҳоҳлаганча ашёларни далил сифатида келтириш мумкин. Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм ва бошқа ҳудудлардан топилган петроглифлар бунинг исботидир. Яқинда Андижондан яна биттаси топилди. Бу петроглифларда асов отларни хонақиллаштириш жараёни тасвирланган.

Яна бир далил: аксарият мамлакатларда археологлар, асосан, ернинг юза қатламни ўрганади. Негаки, уларнинг тарихи бизники қадим қадим эмас. Бизда вазият умуман бошқача, яъни жуда аъло даражада. Шу боис олимлар 10 метр чуқурликни ҳам ўрганмоқда. Мухими, ана шу қатламдан ҳам кўплаб моддий маданий мерос намуналари топилган ва топилмоқда.

Заминимизда аниқланган маданий мерос намуналари нафақат сони, айтиш чоғда ранг-баранглиги билан ҳам ажралаб туради. Бунинг энг муҳим сабаби бу заминда турли хил цивилизация ва маданиятлар тўқнашгани билан боғлиқ. Натижада бир-бирини такрорламайдиган дурдоналар халқимиз ҳамда турли дин ва элатлар вакиллари томонидан яратилган.

Алам қиладигани шундаки, ана шу жараёнлар тизимлаштирилган ҳолда ўрганилмаган. Аниқ айтишда бўлса, баъзи уришлар бўлган, ҳозир ҳам бор, аммо улар ҳали айтганимиздек, тизимга солинмаган. Ўрганиш жараёни билан боғлиқ ёмон бир иллат ҳақида ҳам айтмасак бўлмайди. Гап шундаки, ўрганишлар давомида баъзи объектлар гўёки бизга алоқаси йўқдек нотўғри қараш билан ўрганилган. Бу ҳаммасидан кўра ачинарлидир. Зеро, улар қайси даврда ва ким томонидан яратилганидан қатъи назар, бизнинг заминимизда, де-

мак, у бизники. Маданий меросимизга шундай соғлом назар билан қараш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Масалан, Александр Македонский заминимизга кириб келиши билан юнон ва маҳаллий маданият уйғунлашуви натижада пайдо бўлган эллинизм маданиятини олиб кўрайлик. Ҳозиргача эллинизм даврига мансуб кўплаб ёдгорликлар топилганки, улар шубҳасиз, нафақат халқимиз, айтиш чоғда бутун инсониятнинг дурдоналари саналади. Уларни бизники эмас, деб бўладими? Шак-шубҳасиз, бизники...

— Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимизда, сиз айтиб ўтгандек, турли маданиятлар уйғунлашуви жараёни кўп марта кузатилган. Натижада бебаҳо маданий мерос намуналари яратилган. Ўз навбатида, янги маданиятни олиб келган халқлар томонидан маҳаллий халққа тегишли кўплаб дурдоналар талон-тороғ қилинган. Бугун улар қаерда, қандай аҳволда, биз бунга бўлмаймиз ҳам...

— Танганинг икки томони бўлганидек, ушбу талон-тороғларнинг яши ва ёмон томонлари бор, деб ҳисоблайман. Дастлаб ёмон жиҳати ҳақида айтсак, кўзимизга суртишга арзийдиган қанчадан-қанча (ҳатто уларнинг аниқ сонини билмаймиш) ёдгорликларимиз турли даврларда бошқа юртларга олиб кетилган ва халқимиз ана шундай бебаҳо бойликдан мосуво бўлиб қолган. Бу ҳар бир ўзбекистонлик каби менга ҳам ёмон таъсир қилиши табиий. Аммо масаланинг иккинчи томонини эсдан чиқармаслик зарур. Борди-ю ана шу ёдгорликлар ўзимизда бўлганда, уларни ҳозир ҳорикликлар сақлаб келаётган даражада асрай оларимизми? Албатта, бу жудаям оғирлиқ савол...

Бугун Эрмитаж ёки Япония, Жанубий Корея, Хитой, АҚШ музейларига боринг, ўзимизнинг кўплаб маданий меросимиз намуналарини кўрасиз. Аслида, улар кўрғазмага фақат бир қисминигина кўйган, беш фоизини, десак, янаям тўғри бўлади. Демак, чет элда сақланаётган, ҳали кўпчилик кўрмаган ёдгорликларимиз жуда-жуда кўп.

Бунинг яши томони шундаки, бу меросимиз намуналари асраб-авайлаб келинмоқда. Масалан, биргина Эрмитажда Бухоро амирлигига тегишли юзлаб от эгарлари бор. Улар турфа хиллиги билан алоҳида ажралаб туради. Улардан бирига қоплон териси қопланган бўлиб, ўз ҳолига сақланган. Ҳатто, бир туки тўқилмаган. Юз йилдан ошаётган бўлишига қарамай, бирон жойига зиён етмаган, қуям туширмасдан сақлаб келишмоқда. Бунга кўриб, беихтиёр баракалла, деб юборасиз. Агар, шу ўзимизда бўлганида, унинг асл ҳолида сақланишига ким кафолат беради? Ҳеч ким. Орада шундай бир даврлар бўлдики, моддий маданий меросимизни ўз ҳолида сақлашга ҳеч ким эътибор бермай кўйганди. Шун-

дай вазиятда кафолат ҳақида гапиришнинг ўзи ортинча.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига бир муддат бош котиб бўлган Владимир Норов бир сафар шундай деганди: "Биласиз, Бухорода Занданчи қишлоғи бор. Бу қишлоқ қадимда ўз матоси билан машҳур бўлган. Бельгияда элчи бўлганида ҳам, бошқа давлатларга, масалан, Хитойга борганида ҳам музейлардан ўрин олган занданча матосини кўриб, лол қолганман. Демак, бир пайтлар бухороликлар занданча матоси билан бутун дунёни таъминлаб турган. Ундан, асосан, сарой аёллари кийим сифатида фойдаланган. Ўз даврида энг қимматбаҳо мато бўлган..."

Кўрмасизми, хорижга олиб кетилган маданий меросимиз намуналари қандай сақланмоқда? Такрор бўлса-да, айтаман, агар улар ўзимизда бўлганида, биз уларни чет элликлар каби сақлай оларимизми? Йўқ, албатта. Шундай экан, улар четга олиб кетилганидан фожиа ясамаслик керак, аксинча қолганларини асраб-авайлаш, хориждагиларини эса чуқур тадқиқ қилиш ҳақида ўйласак, энг тўғри йўл тугган бўлаемиз.

— Мустақиллик даври, хусусан, охири йилларда маданий меросимизни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ўз ҳолида етказиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Шу даврда нималарга эришдик, яна қандай вазифаларни ҳал этишимиз керак?

— Чиндан ҳам, истиқлол даврида моддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, сақлаш, келгуси авлодларга бекам куёт етказиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Масалан, 8 миңдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари миллий рўйхатга олинди. Ва бу, фақат шулардангина иборат эмас. Ҳали ўз тадқиқотчиларини қўлиб турган объектлар, телаликлар, қалъалар жуда кўп. Мисол учун Далварзентепанинг миңдан бири ўрганилган, холос. Ундаги арк, шохсарой қазилганича йўқ. Агар тадқиқотлар кенгайтирилса, миллий рўйхатимиз салмоғи янада ошиши, 10 миң ва ундан зиёددин ташкил этиши аниқ. Мен бунга аминман.

Демак, тадқиқот ишларини янада кучайтиришимиз ҳамда халқимиз ва маҳаллий давлат бошқаруви идораларининг масъулиятини оширишимиз талаб этилади. Бу ўринда бежиз масъулият ҳақида гапирмадик. Агар шу тўғрй бўлганида эди, бундан 50 йил аввал фидойи олим Эдвард Ртвеладзе томонидан топилган 8 та шох даҳмасидан 5,5 таси йўқолиб кетмаган бўларди. Икки миң йиллик тарихга эга ушбу даҳмаларнинг 2,5 таси сақланиб қолган бўлиб, улар 2021 йилдагина рўйхатга олинди.

Ачинарлиси, аҳоли томонидан маданий мерос объектлари ҳудуди ёки уларнинг ўзига чиқинди ёки мол ахлати ташланганига кўп бор гувоҳ бўлдик. Яна бир юртдошимиз икки ярим миң йил олдин бунёд этилган обида устига хожатхона қурганини кўриб, дод дегинг келди. Ваҳоланки, ана шу одамлар ҳам мактабда ва олий ўқув юртида ўқиган. Шунинг учун халқимизда умумий онг ўзгармас экан, маданий меросимизни сақлашдаги бу каби муаммолар яқун топмайди. Ахир, ҳар бир обидага қоровул қўйиб бўлмайди-ку?!

Ёки рўйхатга олиш билан ҳам иш битмайди. Бунга мисол сифатида Тошкент вилоятида рўйхатга олинган обида тақдирини келтириш мумкин. Ушбу обида рўйхатга олинган, аммо бугун унинг ўзи йўқ. Аҳоли ва маҳаллий раҳбарларимизнинг эътиборсизлиги туфайли яна битта обидани қўлдан бой бердик.

Шўролар даврига хос бўлган қатор объектларга ҳам ана шундай ёмон муносабатда бўлинди ва ҳозир ҳам бу давом этмоқда. Яқинда Тошкентдаги Космонавтлар майдонидан жой олган Владимир Жонибеков ҳайкали олдидаги гранит плиталар бузиб ташланганиги бунинг ақол мисолидир. Ижтимоий тармоқларга раҳмат, масалани ўз вақтида кўтариб, барчанинг эътиборини қаратди. Тўғри, бугунга келиб гранит плиталар синдириб олиб ташланган, улар ўрнига бошқа қопламалар қўйилмоқда. Аммо эндиликда мазкур маданий мерос объектини ўз ҳолига қайтаришнинг умуман иложи йўқ. Бу барча учун сабоқ бўлиши керак, биз, маданий мерос кўриқчилари учун ҳам, мутасаддилар учун ҳам.

Яна ушбу воқеа билан боғлиқ бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Масала ижтимоий тармоқларга олиб чиқилган, юртдошларимиз томонидан кўплаб эътирозлар билдирилди. Оммавий ахборот воситалари, аҳоли ҳамда маданий меросимиз ҳимоячилари ана шундай ҳамкорликда ишласа, келгусида кўплаб бу каби хунук ҳолатларнинг олди олинади.

Агар барчамиз бирга бўлсак, жамиятдаги бундай нотўғри қарашларни ўзгартириш оламиз. Ахир, ушбу объектларни ҳам ўзимизнинг ота-боболаримиз ёки бу заминни Ватан тутган бошқа миллат вакиллари яратди-ку?! Шундай экан, улар ҳам ўзимизники. Уларга беғона кўз билан қараш умуман нотўғри.

Бу борада донишманд аждодларимиздан ўрнак олсак арзийди. Улар шу заминда гуркураб ривож топган бешта дин ва уларнинг вакилларига мансуб обидаларни кўз қорачигидек сақлаб, бизгача етказиб берган. Бу ҳиндуларники, христианларники ёки етти ёт халқларники, деб йўқотиб юбормаган, аксинча, алоҳида меҳр билан сақлаб келган. Чунки улар бу обидалар ким томонидан қурилишидан қатъи назар, шу заминда яшаётган халқнинг умумий бойлиги, таъбир жоиз бўлса, бошидаги тожи эканлигини теранг англаб етганлар.

Соҳа билан боғлиқ яна бир муаммо реставратор кадрлар етиштиришга тааллуқли. Ҳозирги пайтда биргина билим юртида ана шундай кадрлар етиштирилмоқда, аммо бу жуда кам. Шунинг учун амалиётда турли муаммолар келиб чиқмоқда. Реставрациядан умуман хабари бўлмаган одамлар ҳамда ташкилотлар тендерда ютиб олиб, бу юмушни бажармоқда. Улар мутахассис бўлмагани учун ачинарли ҳолатлар рўй бераётди. Масалан, шундай МЧЖлардан бири қадимий масжидни реставрация қилиш ўрнига янгисини қуриб қўйган. Бунга кўриб, дардингни кимга айтишни билмайсан. Энди эса "Эй, биродар, бизга янги масжид эмас, асл ҳолидагиси керак эди", дейишдан ҳеч қандай фойда йўқ.

— Маданий меросимизни асраб-авайлаш учун жамиятда умумий онгни ўзгартириш ке-



раклигини бир неча бор такрорладимиз. Бунга қўшилмасиз, албатта. Ҳўш, ана шу онгни ўзгартиришга қаратилган бирон саъй-ҳаракат олиб бориляптими?

— Саволингизни тушундим, шунчаки, онгни ўзгартириш зарур, деган билан ҳеч нарса ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун амалий ишларни бошлаш талаб этилади. Албатта, бунга киришганмиз. Масалан, Қорақалпоғистонда "Мен, маданият, мерос" деган тадбир ўтказдик. Унга жуда кўплаб талабаларни жалб этдик. Улар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси гербига тасвирланган Шиллик қалъа борди. У ердаги аҳвол жудаям ачинарли эди. Талабалар кўмағида қалъадан 48 килограмм шиша синикларини териб олдик. Турли ичимликларни истеъмол қилган юртдошларимиз уларни қалъа тошларига уриб синдиришган. Ана сизга, тарихий ёдгорликка бўлган муносабат. Каммига, кимлардир ўз исмини ёзиб ташлаган... Кейин бундай тадбирлар кенг кулоч ёзда ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказдик.

Буларнинг аҳамияти шундаки, маданий обидани ўз қўли билан тозалаган ёшларимизда уларга бўлган муносабат кескин ўзгармоқда. Энди уларнинг ўзи-ку обидага зиён етказмайди, аммо кимдир шунга ҳаракат қилаётганини кўрса, албатта, уларга танбёк беради, деб ўйлайман. Жамият онгини шу тарзда ўзгартириб бурсак, яқин йилларда салмоқли ютуқларга эришамиз.

Аммо яна бир гап. Бу борада кампаниябозликка йўл қўймаслик лозим. Бунга бежиз айтаётганим йўқ. Қаердадир бир тадбир ўтказишди, ёшлар жалб қилинган экан. Ҳаммаси озода қийинган. Ва... шунчаки бир тадбир иштирокисини сифатида қайтиб кетишди. Бундай уришлар фойда бермайди. Аксинча, ёшларнинг ўзини обидани тозалаш, керак бўлса, таъмирлаш жараёнларига жалб этиш керак, ана шунда қўтилган натижа бўлади.

Шу билан бирга, таълим-тарбия жараёнларига фарзандларимизнинг маданий меросга меҳрини уйғотишга хизмат қиладиган ўқувлари йўлга қўйсақ, нур устига аъло нур бўлар эди.

— Юқорида номи зикр этиб ўтилган янги Қонун бу борадаги вазиятни қанчалик ўнглайди, деб ўйлайсиз? Ҳужжатда алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган қандай янгиликлар бор?

— Мазкур Қонун ҳақида гапирадиган бўлсак, энг аввало, жавобгарлик қўчайтирилганлигини айтиш зарур. У Бош

прокуратура томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар муаммо илдизини чуқур билганликлари учун ҳам ана шундай ҳулосага келган. Бу тўхтаб эътирофга лойиқ. Лекин маърифий соҳа вакили сифатида такрор айтмоқчиманки, жамиятда онг ўзгармаса, қўтилган натижага эришиш мумкин. Қачонки, онгимиз ва муносабатимиз ўзгарса, бу каби қатъий талабларга эътиҳ қолмайди. Аммо ҳозирги вазиятда бошқа йўл йўқлиги боис Бош прокуратура шу талабни қиритишга мажбур бўлган.

Айтилик, қонун асосида иккитасини жазолаш мумкин. Аммо бундай ҳолатлар энди бутунлай бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Онг ўзгарса, бундай ҳолатлар кескин қамамайди, шунда ҳам умуман бўлмайди, дейиш мумкин.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталмоқчимиз. Агентлигимизнинг жойлардаги бошқармалари ҳодимларига маъмурий далолатнома тузиш ваколати берилмоқда. Бу жуда яхши. Шу пайтгача ҳодимларимиз бориб, эътироз билдиргани билан натижа қўтилганидек бўлмаётганди. Яъни "Эй, бунга бузиш ёки унга зиён етказиш мумкин эмас", дейилгани билан олдий аҳоли ёки айрим корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар билганини қилаётди. Эндиликда ҳодимларимиз далолатнома тузишни бошлашса, албатта, барча хушёр тортади.

— Суҳбатимиз асосида моддий маданий мерос намуналарини бебаҳо бойлик, дедик. Ҳўш, у бойлик экан, ундан қачон ва қандай фойдаланамиз? Ёки уларни шунчаки асраш кераклиги учунгина сақлашга ҳаракат қиляптими?

— Моддий маданий мерос намуналари ўз маъносидан ҳам, қўчма маънода ҳам улкан бойлик. Аммо биз ҳали бу хазинадан деярли фойдаланмапмиз. Тўғри, кейинги йилларда хайрилик ишларга қўл урилди. Натижада маданий мерос билан боғлиқ туризмни ривожлантиришга киришдик. Ахир сайёҳлар нима учун келади, албатта, дунёда ўхшаши бўлмаган ёдгорликларни кўриш ва завқ олиш, қолаверса, уларни тадқиқ этиш учун!

Тасаввур қилинг, олис қишлоқдаги объектга сайёҳлик йўналиши очилди. Ўша қишлоққа сайёҳларга қўшилиб қанча маблағ қилиб боради. Бунинг орқасидан ўша ерлик ўнлаб одамлар ишли бўлади ёки тадбиркорлигини йўлга қўяди. Машҳур кинода айтилганидек, ўша қишлоқдаги одамларнинг "кетмони учиб қолади".

Ўз навбатида, табарруқ туризм, яъни зиёрат туризмини ривожлантириш учун ҳам катта салоҳиятга эгамиз. Буддизм, христиан ва ислом билан боғлиқ қанчадан-қанча обидаларимиз бор. Агар улардан унумли фойдалансак, мўмай даромадга эга бўламиз. Ана сизга, бойлик!..

Умуман, янги Қонун жойлардаги шу каби муаммоларни бартавраф этиш, пировардида, маданий мерос объектларини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, уларни дунёга кўз-кўз этиш, шунинг орқасидан соҳа билан боғлиқ туризмни кенг ривожлантириш ҳисобида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЭЪЛОНЛАР

«SHARQ-SUG'URTA»
акциядорлик жамияти

иштирокчиларининг 2022 йил 11 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан, «SHARQ-SUG'URTA» масъулияти чекланган жамияти ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «SHARQ-SUG'URTA» акциядорлик жамиятига ўзгартириш ва 2022 йил 10 февралда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан «SHARQ-SUG'URTA» акциядорлик жамиятининг гувоҳномаси ҳамда Низоми рўйхатдан ўтказилди.

Жамият Низоми бўйича юридик ва почта манзили Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, 2-тор Бог кўча, 2-уй, 1-хонадонга ўзгарганлигини маълум қилади.

Диққат, танлов!

«Yangi Angren IES» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган ва тузилган шартлар асосида 2022 йил учун 1-сонли кул-курум омбори (1-ККО) чиқиндиларининг «Ягона харидори»ни аниқлаш ҳамда «Yangi Angren IES» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва сармоя киритиш, шунингдек, қурилиш ҳамда қурилиш материаллари соҳасида ишловчи кул ва қурум чиқиндилари истеъмолчилари сонини кўпайтириш мақсадида энг яхши таклифни танлаш бўйича танлов ўтказилмоқда.

«Yangi Angren IES» акциядорлик жамияти 1-сонли кул-курум омбори (1-ККО) чиқиндиларининг «Ягона харидори»ни аниқлаш бўйича тендер ўтказиш шартлари ва маълумотларни корхонанинг расмий электрон сайтидаги эълондан ёки қуйида кўрсатилган телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин:

99-786-44-50, 71-236-14-12, 71-236-60-84.

«Yangi Angren IES» маъмурияти.

КИЧИК НОВВОЙХОНА
керамик иситкичлар
(тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
- 4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, кучлиниш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номуносаблиги).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 миң сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
95-169-68-51, 71-279-38-54.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотлари қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефони орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тажрибятга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Соибназаров.
Муасхих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Тошшириди — 23.55 1 2 3 4 5 6